
„ ЭЛЕГАНТ" ЎЗ БИНОСИГА ЭГА БЎЛДИ

Ёзёвонда „ Элегант" ўқув марказининг ўз ўрни бор. Саккиз йиллик фаолияти давомида марказда 4840 нафар уй ҳамшираси, 3200 пазанда қизлар касб-ҳунар ўрганиб, ҳаётга йўлланма олдилар. Ўтган йиллари марказ жойдан-жойга кўчиб, ижарада ишлаб келарди. Марказ раҳбари Гулноза Мадумарова ўз биноси бўлиши учун астойдил курашди. Ёзёвон тумани ҳокимлиги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят бошқармаси мутасаддилари тадбиркор аёлни қўллаб-қувватладилар. Бир йилда шинамгина бино қуриб битказилди. --Янги бинода фаолиятимизни кенгайтириб, рус, инглиз, араб тиллари, ментал арифметика, тикувчилик курсларини ҳам очамиз,-дейди тадбиркор. Бугун марказ биноси тантанали очилди. Тадбирда туман ҳокими ўринбосарлари, маслаҳатчилари, маҳалла, хотин--қизлар бўлими мутасаддилари қатнашдилар. Тадбиркорнинг фаол фаолияти учун туман ҳокими фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-06-08 08:43:43